

## МУНЗИМ БУХОРО ЖАДИДЛАРИНИНГ ЭНГ ФАОЛЛАРИДАН БИРИДИР

Сулаймон Иноятов

Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д. (Ўзбекистон)



*Аннотация: Мақолада Бухоро жадидчилик мактабининг фаол иштирокчиларидан бўлган Мунзим – Абдувоҳид Бурхонов ҳаёти ва фаолияти ёритилган. Шунингдек, унинг ўғли Раҳим Бурхонов тўғрисида маълумотлар келтирилган.*

*Калит сўзлар: жадидчилик, Мунзим, Бухоро, Файзулла Хўжаев, С.Айний, Германия, Ленинград, Москва, Раҳим, Шоҳмурад.*

*Аннотация: В статье освещается жизнь и деятельность Мунзима Абдувахида Бурханова, одного из активных участников бухарской школы джадидизма. Также приводится информация о его сыне Раҳиме Бурханове.*

*Ключевые слова: джадидизм, Мунзим, Бухара, Файзулла Ходжаев, С. Айний, Германия, Ленинград, Москва, Раҳим, Шахмурад.*

*Annotation: The article highlights the life and work of Munzim Abduvakhid Burkhanov, one of the active participants in the Bukhara school of Jadidism. Information about his son Rakhim Burkhanov is also provided.*

*Key words: Jadidism, Munzim, Bukhara, Faizulla Khodzhaev, S. Ainay, Germany, Leningrad, Moscow, Rakhim, Shakhmurad.*

Бухоро жадидчилик ҳаракатининг юксалишида катта ҳисса қўшган ва биринчилар қаторида янги усулдаги мактабни очган Мунзим (Абдулоҳид Бурхонзода)дир. Мунзим 1875 йилда Бухорода туғилди. У дастлабки маълумотни Бухоро мадрасаларида олди. Ёшлигига отасидан етим қолган Абдулоҳид ўша даврнинг машҳур библиофили Шарифжон Махдум – Садр Зиё хонадонида тарбия топди. Бу хонадонда бухоролик зиёлилар тез-тез учрашиб, илмий баҳс-мунозаралар ташкил этар эдилар. Илмга чанқоқ Мунзим ана шу хонадонда Садриддин Айний билан учрашди ва бу учрашув уларни бир умрга дўстлаштириди.

Абдулоҳид Самарқандга бориб Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдуқодир Шакурий ташкил қилган янги усул мактабларида ўқитиш тажрибасини ўрганиб келгач, 1908 йилнинг октябрида С.Айний билан ҳамкорликда ўз уйида янги усулдаги мактабни очди.

С.Айнийнинг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида

таъкидлашича, бу мактаб 1908 йилнинг 23 октябрида Бухоронинг “Дарвозаи Саллоҳхона” гузаридаги Мирзо Абдулоҳиддининг ҳовлисида очилиб, 12 боланинг бир қисми пуллик, бир қисми эса текинга ўқитилади.

1909 йилдан бошлаб Бухорода катта ёшдагилар учун кечки мактаб ҳам ташкил қилди. Катта ёшдаги кишиларнинг саводини 40-50 кунда чиқаради. Худди шундай мактаб Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли томонидан қўшни гузарда Пўлатхўжа ҳовлисида ҳам ташкил қилиниб, бу мактабни Усмонхўжа ва Отаулла Хўжаевлар бошқарган эди. Мактабнинг моддий-техника базасини яхшилаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, янги усулда таҳсил берувчи мактаблар сонини кўпайтириш, уларга муаллимлар жалб этиш учун маблағ зарур эди. Абдулоҳид Мунзим 1909 йили “Ширкати Бухорои шариф” жамиятига асос солади ва унинг ҳомийлигига Садриддин Айнийни Самарқанд, Усмонхўжа ҳамда Ҳомидхўжани Боғчасарой ва Истанбулдан олиб келинган китоблар, газета ва журналлар билан мактаб кутубхонаси бойитилади. Дарсларни ташкил қилишда ҳам янги тартиблар жорий этилади. Болаларни ёруғ хоналарда ўқитилиши, кўргазмали қуроллар, глобус ва хариталарлардан фойдаланиб дарслар ўтилиши бу давр учун катта янгилик эди. Мунзим ўз мактаби учун С.Айний билан бирга ўқув қўлланмаларни ҳам яратдилар. Жумладан, С.Айний ва Мунзим ҳамкорликда “Алифбо” китобини ёзиб, шу дарслик асосида дарсларни ўта бошладилар.

Бухоро амири атрофида тўпланган маълум жаҳолатпастларнинг иғволари ва янгиликка қарши чиқишлари натижасида бу мактабни ёпиш учун жуда кўп уринишлар бўлди. Шоир Мирзо Саҳбо мактабни ёпмаслик учун жуда кўп уринади: “Ушбу мактаб мусулмон болалари учун лозим ва нофедир. Муни ёпмок, исломга хиёнат ва мусулмон болалари ҳақида жиноятдир. Мен умид қиласманки, бу ишга жасорат қилмасангиз.” Аммо, 1909 йил 26 сентябрида Остонақул қушбеги, Бақохўжа қозикалон ва Бурхониддин раис топшириги билан Абдулоҳид Мунзим мактаби ёпиб қўйилади. Абдулоҳид Бурхонов 1908 йилда Мукаммил Бурхонов, Ҳомидхўжа Мехрий, Садриддин Айний, Аҳмаджон Абдусаидов ва бошқалар билан бирга “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) номида Бухоро жадидларининг маърифий жамиятини туздилар. Бу жамият бухоролик маърифатпарварлар ва ҳурфиксари зиёлилар орасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда бекиёс аҳамият касб этган эди. Бу жамиятда Усмон Хўжа, Мусо Сайджоновлар фаол қатнашдилар. Жамият аъзоларининг сони 100дан ошиб, уни моддий жиҳатдан Мухиддин Мансуров ва Садр Зиё қўллаб-куватлаб турдилар. Бу ташкилот бухоролик ёшларни хорижга юбориб ўқитиш, янги усул мактаблари учун дарслик, қўлланмалар яратиш, хориждаги ўқишига юборилган болаларга моддий кўмак бериш

ишлари билан шуғулланди. Жамиятнинг Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Гиждувонда 28 та бўлинмаси бўлиб, улар амирлик ҳудудидаги иқтидорли ёшларни аниқлаб, Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳарларга ўқишига юборган. Жамиятнинг кўмагида 1908 йилда Истанбулда 14 та бухоролик ва туркистонлик бола таълим олди. Жамиятнинг кўмагида Туркияда Абдурауф Фитратнинг бир қатор асарлари чоп этилди. Бу жамият аъзолари, жумладан, Мунзим ҳам бухоролик маърифатпарвар ва зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишида муҳим роль ўйнадилар.

Мунзим Бухоронинг биринчи матбуоти “Бухорои шариф” газетаси ташкил топишининг ташаббускорларидан биридир. У “Мунзим” тахаллуси билан форс-тожик тилида ёзган шеърларини шу газетада босиб чиқарди. Газетанинг 1912 йилда чоп этилган 53-сонида унинг “Ватан”, 59-сонида “То ба кай” (“Қачонгача”), “Мактаб” шеърлари чоп этилган. Бу шеърларда жадидчилик ҳаракати олдига қўйилган маърифатпарварлик, ватанпарварлик, болаларимизнинг илм ўрганиши, миллий ўзлигини англаши каби гоялар ўз аксини топган. Мунзим хаттотлик санъати билан ҳам шуғулланган ва уни мукаммал эгаллаган. С.Айнийнинг маслаҳати ва Садри Зиёнинг моддий ёрдами билан Аҳмад Донишнинг “Наводир-ул-вақоъе” (“Нодир воқеалар”) қўлёзма асарини чиройли хаттотлик усули билан кўчириб, алоҳида китоб сифатида унга зеб беради. 1902 йилда эса шоир Ҳайратнинг шеърлар тўпламини жамлаб, китобат шаклида тайёрлайди. Кейинроқ эса ўз уйида типография ташкил этиб, “Куръони Карим”ни чоп этган ва бу нусха “Куръони Абдулвоҳидий” ҳамда “Куръони Мунзим” номлари билан машҳур бўлган. Бу Куръон китоблари олтин суви югуртирилган зарҳалли чиройли калиграфияда ёзилган. Россияда 1917 йил февраль инқилобидан кейин ва Бухорода амир Олимхоннинг шу йили 7 апрелдаги фармонидан сўнг Бухоро жадидлари Абдулвоҳид Бурхонов Мунзим бошчилигидаги эски-қадимчиларга ва Файзулла Хўжаев ҳамда Абдурауф Фитрат бошчилигидаги янги жадидларга бўлинадилар. Биринчи гуруҳнинг асосий фаолияти маърифат бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислоҳотлар тарафдори эдилар. Бу гуруҳлар ўртасидаги ихтилоф анча кучайган эди. Масалан, амирнинг 1917 йил 7 апрелдаги фармонини А.Фитрат бошчилигидаги гуруҳ аъзолари – янги жадидлар кенг халқ оммасига тушунтириш учун митинг, йигилишлар ва намойишлар ўтказиши ёқлаб чиқадилар. Абдулвоҳид Бурхонов бошчилигидаги гуруҳ намойишга қарши чиқади. Кейинчалик бу икки гуруҳнинг бирлашуви натижасида “Ёш бухороликлар” партияси тузилиб, Мунзим унга раис қилиб тайинланади.

Бухорода реакция ва таъқиблар кучайгач, Мунзим ҳам Тошкентга бориб “Учқун” ва “Кутулиш” газеталарига ҳамкорлик қилади. Унинг қатор шеърлари, жумладан, “Баёни ҳол”, “Эй мазлум Шарқ” каби шеърлари шу газеталарнинг саҳифаларида чоп этилади.

Бухоро Ҳалқ Республикаси ташкил топгач, Мунзим БХСР МИК раисининг ўринбосари, Ҳалқ маорифи вазири, Соғлиқни сақлаш нозири вазифаларида фаолият кўрсатади. Мунзим соғлиқни сақлаш вазири сифатида Бухородаги амирлик давридан давом этиб келаётган ришта касалини йўқотиш учун водопровод (сув ўтказгичи)ни ташкил этишининг ташаббускори бўлди. Садриддин Айний “Бухоро” китобида алоҳида бир бўлимни “Мирзо Абдувоҳид водопроводи” деб атайди. Унда бухоролик ватанпарвар, ҳалқ саломатлиги учун қайгуриб келган, фидоий инсон Абдувоҳид Бурхоновнинг Бухорога тоза ичимлик сувини олиб келиш учун саъю-ҳаракатларини баён этади.

Абдувоҳид Мунзим соғлиқни сақлаш вазири сифатида бу ишга қаттиқ киришади. Чўян ва асбест трубалар йўқлигини ҳисобга олиб, бухоролик қулолларга ўз ҳисобидан, бор нарсаларини сотиб уч минг дона сопол трубага буюртма беради. Тайёр трубаларни уйига олиб келади. Трубаларнинг узунлиги бир метр, диаметри йигирма беш сантиметр, қалинлиги икки сантиметрдан иборат бўлади. Шу трубалар орқали Зарафшон дарёсидан сув оқизиб келишни мўлжаллайди. Шаҳар яқинида сув ҳавзасини қазиши ҳам ҳисобга олади. Агар труба камлик қилса, оғайниларимдан қарз олиб, бу ишни албатта, бажараман, деб хаёлидан ўтказади.

Янги Бухоро (Когон)га бориб, темир йўл инженери билан сухбат қилади. Инженер олдин Мунзимни эшишиб, уни хаёлпараст деб ўйлайди. Унинг кимлигини, қатъий ҳаракатларини билиб ўз маслаҳатларини беради. Сопол труба катта босимга чидай олмаслигини, фақат чўян ёки темир трубалар билан сув қувурини ўтказиш мумкинлигини тушуниради. Бухорога тоза ичимлик сувини келтириш Абдулоҳид Бурхоновнинг орзуси бўлиб қолади. Мунзимнинг бу ғояси кўпчилик Бухоро раҳбарларини ҳам безовта қилиб, улар ҳам тоза оқова сувлари билан Бухоро ҳалқини таъминлаш учун уриниб келдилар.

Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги БХСР Нозирлар Кенгашининг 1923 йил 24 декабрдаги қарори билан Бухоро Тропик институти ташкил топади. Бу институт илмий ходимлари Н.М.Исаев раҳбарлигига ришта касалининг келиб чиқиш сабаби – тоза ичимлик сувининг етишмаслиги деб таъкидладилар. Бухорони тоза ичимлик суви билан таъминлаш Файзулла Хўжаев раҳбарлигидаги Ўзбекистон ССР Ҳалқ Комиссарлар Совети зиммасига тушди. Бухоро шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга киришилиб, рус инженери В.Г.Шухов лойиҳаси

асосида сув минорасини қуриш ишлари 1927 йилда бошланиб, у 1929 йилда тугатилиб, 1930 йилда Бухоро шахри ахолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлиб, Абдувоҳид Бурхоновнинг орзулари амалга ошиди. Бугун инженер В.Г.Шухов томонидан лойиҳалаштирилган сув минораси – тарихий ёдгорлик сифатида халқимиз ва хорижий сайёҳларга хизмат қилмоқда. Файзулла Хўжаев бошчилигига Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси кадрларни чет элда ўқитишга катта эътибор берадилар. Бир гуруҳ ўқувчи ва талабаларни Германия, Туркия, Россия, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларга ўқишига юборишга ҳаракат қиласидилар. Бу ишларни амалга оширишда Ҳалқ маорифи нозири сифатида Мунзим ҳам катта ҳисса қўшади.

Германияга ўқувчи ва талабаларни юбориш иши БХСРнинг Москвадаги ваколатхонаси бошлиғи Отаулла Хўжаевнинг фаол иштироки ҳамда ҳукумат раҳбарларидан Файзулла Хўжаев, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдурауф Фитрат ташабbusлари билан амалга оширилди. Чиндан ҳам Ҳалқ маорифи нозири лавозимида ишлаган Мунзим 1922 йил ёзида миллий кадрлар, хусусан, Бухоро учун зарур бўлган муҳандис кадрлар тайёрлаш мақсадини кўзлаб, бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисидаги БХШЖ қарорини ташкил этишининг комиссия раиси этиб тайинланади. “Бухоро ахбори” газетасининг 1922 йил 27 августдаги 97-сонида “Германияга талаба кетадур” мақоласида бухоролик талабаларни Абдулоҳид Бурхонов, Олимжон Идрисий ва Каменскийлардан иборат маҳсус комиссия олиб бориши ҳақида хабар берилган. Мунзим шахсан ўзи бошчилигига 1922 йил июнида бухоролик 46 кишини Германияга олиб бориб, Берлин ва бошқа шаҳарлардаги ўқув юртларига жойлаштиради.

Бухоролик талабаларнинг Германияда таълим олишида Ф.Хўжаев ташабbusи билан БХШЖининг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа қилиш бўлимининг бошлиғи ва Ҳалқ маорифи нозири вазифасида бўлган Абдулоҳид Бурхонов (Мунзим) бош-қош бўлиб турган. Файзулла Хўжаевнинг ташабbusи ва Мунзимнинг саъю-ҳаракати билан Берлиннинг «Кавенин» босмахонасида С.Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида», А.Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари», Мунзимнинг шеърлар тўплами 1923-1924 йилларда ўзбек ва тожик тилларида нашр этилади. У ўзи билан икки ўғли Раҳим ва Рашидни ҳам олиб бориб Германияда ўқишига қўяди. Файзулла Хўжаев даволаниш ва талабалар ҳаётидан хабар олиш мақсадида 1922 йил ноябрида Германияга борганлиги ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд.

Файзулла Хўжаев Германияда ўқиётган 100 дан ортиқ бухоролик ва туркистонлик талабалар билан учрашади, Мунзим билан мулоқотда бўлади. Талабаларнинг яшаш шароити ва ўқиши билан қизиқиб, улар

учун Берлин банкига 125 минг доллар жойлаштиради. Бу маблағ уларнинг ўқиши ва ҳаёти учун етарли даражада эди.

Файзулла Хўжаевнинг Германия таассуротлари унинг Бухорога Берлиндан юборган мактубларида ўз аксини топган. Берлин мактублари «Умумий аҳвол», «Байналминал аҳвол», «Уч масала», «Ижтимоий инқилоб» сарлавҳалари билан номланган тўрт қисмдан иборатdir.

БХСР ҳукумат раҳбарининг Германия пойтахтига келиши, албатта, немис матбуоти ва ҳукмрон доираларини эътиборсиз қолдирмаган. Бухоро Республикаси билан Германиядаги Веймар буржуа - демократик Республикаси ўртасида сиёсий-дипломатик алоқалар ўрнатилмаган эди. Бухоро-Германия ўзаро ҳамкорлик алоқалари Бухоро Республикасининг Москва (РСФСР) шаҳридаги ваколатхонаси орқали амалга ошириларди. Шунинг учун Ф.Хўжаев мактубда таъкидланганидек, даволаниш ва талабалар аҳволидан хабар олиш учун бу мамлакатга келганлигини қайд қиласди. «Мен маълумки, Олмонияга тижорат ишлари билан келмадим.Faқат Москвадан савдо ҳайъатимиз келиб етса, бу масалада бир қадар ишлар қиласди эдим»-деб ёзади, Ф.Хўжаев.

Германия даврий матбуоти эса: «Файзулла Хўжа Олмонияга сиёсий ҳамда тижорий ишлар билан келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Белгияга, Чехословакияга ва Туркияга борадур эмиш» - каби хабарларни босиб чиқарган. Соғлиғи танглигига қарамай, Ф. Хўжаев ўша давр Германиядаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳамда тўғри баҳолай олган. Ф.Хўжаев Германиядаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол қандай бўлишидан қатъий назар, Бухоро Республикасида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, каналлар чиқаришда немис сармоясидан фойдаланиш имкони борлигини ёзади. У «Оврўпа бозорларидан қувилиб, мустамлакаларидан маҳрум қолғон олмон сармоясидан фойдаланиб... муштарак тижорат ва саноат ширкатлари ташкил этмоқ, шубҳа йўқ, зарар қиласди эди », деб таъкидлайди. Ф.Хўжаев Олмониядаги ишчи ва хизматчиларнинг иқтисодий ҳаётини ўрганаар экан, Бухоро Республикасидаги баққол ва савдогарлардан анча устун эканлигига эътироф этиб, қолоқлигимизнинг асосий сабаби - саноат ва қишлоқ хўжалигимизнинг замонавий технология билан қуроллантирилмаганидадир, деган хulosага келади. Саноат ва технология ниҳоятда зарурлигини ҳис этади.

«Берлин мактублари»нинг охирида нозир ўзининг шахсий аҳволи, соғлиғи ҳақида маълумот беради. Германия табиблари унга уч ҳафта давомида муолажа олишни таклиф қилганлар. Тиббиёт ходимларининг баъзилари бошқа шаҳарларда бўлганлиги учун Ф. Хўжаев Берлин атрофидаги бир қатор шаҳарларда ҳам бўлган. Демак, Файзулла Хўжаев 1922 йил ноябрида Берлинда бўлиб, даволаниш билан бирга бухоролик,

туркистонлик талабалар ҳолатини тўла ўрганиб, маълум чора-тадбирлар белгилади.

Германияда таҳсил олиб қайтган талабаларнинг асосий қисми Ўзбекистонга қайтгач, “немис айғоқчиси”, “Ватан хоини”, “империализм малайи” каби сохта айблар билан қатағон қилинган. Бир қисми эса Сибирь, Магадан, Воркутага сургун қилинган, кўпчилиги ГУЛАГ лагерларида ҳалок бўлган. Булардан 15-16 таси Туркияга муҳожирликка кетиб, жон сақлаб қолганлар.

Абдулвоҳид Бурхонов Германиядан қайтгач, Самарқандда нашриёт ходими бўлиб ишлайди. Кейинроқ эса, 1928-30 йилларда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигига фаолият кўрсатади. Илмий ва публицистик фаолият билан шуғулланади. Унинг орқасидан тушган шўро айғоқчилари тиним бермагач, Мунзим 1930 йилдан бошлаб Душанбega жўнайди ва “Тожикистони сурх” газетасида бадиий ходим сифатида фаолият кўрсатади. “Овози тожик”, “Тожикистони сурх” газеталарида “Манбаларга бой ер”, “Ҳайдалган ер”, “8 март”, “Тожиклар қувончи” каби қатор публицистик мақолалари чоп этилди. Тожик адабий тили тўғрисида бир неча мақолалари газеталарда босилди. Душанбе шаҳрида ҳам шўро агентлари Мунзимни тафтиш қилишни тўхтатмайдилар. Мунзим қийноқларга дучор бўлиб, саломатлигини йўқотади. 1934 йил 5 марта Душанбеда вафот этади.



Мунзим ўғиллари билан

Мунзимнинг Германияда таълим олган ўғли Раҳим Бурхонов (1909-1973) ўткир зеҳнли талаба сифатида немис ва инглиз тилларини чуқур ўрганади. У машҳур немис олими Рейхардтнинг уйида яшаб, уч йил Берлинда, кейин эса Кеслинда таълим олиб, немис тилини, немислар маданияти ва урф-одатларини чуқур ўрганади.

Берлинда бир ярим йил ўқигач, Раҳим ва Рашид, шунингдек, 14 бухоролик болалар – Нельмат Нарзуллаев, Усмон Омонов, Ҳамро Абдуллаев, Раҳмат ва Муҳаммад Авазовлар, Омон Нусратуллаев, Исом Аллоуддинов, Аброров, Очилбоқи Мўминов, Сафар Ҳакимов, Абдулла Раҳимов, Абдулла Бадеклар Германиянинг Померания худудидаги

Кеслин шаҳрига жўнатилдилар. Улар ўқишини у ерда давом эттирадилар. Раҳимни юргдошлари билан немис тилидаги мактабда ўқишини давом эттиришга рухсат берадилар. Раҳим 4 йиллик ўқишининг дастурини 2,5 йилда тугатади. Афсуслар бўлсинким, Раҳим ва унинг маслакдошларига Германияда ўқишини давом эттириш ва у ердаги мактабларни битириш насиб этмайди. Ўрта Осиёда ўтказилган миллий чегараланиш туфайли Бухоро Ҳалқ Совет Жумҳурини тугатилади. Германияда ўқиётган болаларни СССРга кўчириш саъю-ҳаракатлари бошланади.

СССР ўз вакили Мсерсонни Берлинга буҳоролик ва туркистонлик болаларни шўролар юртига олиб келиш учун юборади. Болалар орасида норозилик кучайиб, буҳоролик Аҳмад Шукур Пансион-шоҳ ресторанида Мсерсонга қаратади. Тасодиф туфайли Мсерсон қутулиб қолади.

Буҳоро Республикасининг Германиядаги вакиллари Олимжон Идрисий ва Мунзимнинг саъю-ҳаракати билан Аҳмад Шукур жазодан қутулиб қолади.

Мсерсон 8 талаба (Аброр Асроров, Исқандар Чориев, ака-ука Бурхонов ва бошқалар)ни Москвага олиб кетади. Талабалар Очилбек Муқимов, Ҳазратқул Очилдиев, Раҳимқул Рўзиев ва яна бир нечтаси Варшава орқали Туркияга жўнашга қарор қиласидилар. Талабаларда кучли норозилик вужудга келиб, айримлари СССРга боришдан бош тортадилар. Ҳатто айримлари юргдошлари олдида шўролар сиёсатидан норози эканлигини очиқ эълон қилди. Масалан, Аҳмад Наим қуйидаги фикрларни баён этди: “Ўзбекистон чор Россияси даврида қандай колония бўлган бўлса, бугун шу ҳолат давом этмоқда. Буҳоро ҳукумати бизни ўқишига юборар экан, бизнинг ўқиб бошқариш сиёсатини ўрганиб, келажакда миллий кадр сифатида ватанимизга хизмат қилишни умид қилиб турибди. Бугун биз чуқур ва ҳар томонлама пухта билим эгаллаб, сўнг ватанимизга хизмат қилишимиз керак. Шўролар ҳукумати эса бизнинг Германияда билим олишимизга қаршилик қилмоқда.”

Мунзим болалар билан Москвага келгач, ўғли Раҳимни олиб Ленинградга жўнайди. Уни Ленинграддаги немис тилини чукур ўргатишига мослаштирилган “Петершуле” мактабига жойлаштиради. Бу мактабни Раҳим Бурхонов битириб, етуклик аттестатини олади. Шундан сўнг, Раҳим дўсти Буҳоро амири Сайид Олимхоннинг Шоҳмурод ўғли билан Москвада ишчи факультети (рабфакка) ўқишига киради.



### Рахим Бурхонов ва Шоҳмурод Алимов

Амирнинг ўғлини шу рабфакда отаси Олимхонга қарши хат ёзишга тайёрлайдилар. Шоҳмуроднинг номидан 1929 йил 16 июнда “Известия” газетасида отасига ёзган очиқ хати эълон қилинади. Шоҳмурод очиқ хатида отасини “империализмга малайлик қилиш билан бирга, ўз халқига қарши курашаётган киши” сифатида қаттиқ ҳақоратлар қилиб, хатини қўйидаги сўзлар билан якунлайди: “Агарда орзумга қарама-қарши ўлароқ бир кун кўришиб қолсак, душман сифатида учрашурмиз”. Эҳтимол бу хат Шоҳмуроднинг Иттифоқда генерал даражасига кўтарилиши учун замин ҳозирлаган бўлса, ажаб эмас.

Рахим Бурхонов рабфакдан сўнг дўсти Шоҳмурод Алимов билан В.Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясини битирди. Раҳимни Грузияга юбориб, Шоҳмуродни Москвада сақладилар.



Шоҳмурод Алимов

Демак, Раҳим Бурхонов Германиядан қайтгач, Ленинград шаҳридаги рабфак (ишчи факультети)ни битириб, Москвадаги халқ хўжалиги (буғунги Г.В.Плеханов номидаги) университетда таълим олади. Буни битиргач, Москвадаги В.В.Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясида ўқиб, униҳамбитиради. Шўролархукуматиунингиктидори ва билимини ҳисобга олиб, махфий ҳарбий хизматга жалб қилиб, немис тилини мукаммал билгани учун Германияга фронт орқасига совет разведкачиси сифатида хизматга юборади. Раҳим Бурхонов II жаҳон уруши тугагач, Ғалаба байрамини Германиянинг Карлсбод (Карлови-Вари) шаҳрида кутиб олади. Раҳим штурмбанфюрер (майор) ҳарбий унвонига эга бўлади. Уни тожик Штирлеци деб атайдилар. СССРга қайтиб келгач, уни “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирлайдилар.



Рахим Бурхонов

Афсуски, Иккинчи жаҳон урушидан кейин СССРда Раҳим Бурхоновни жосусликда айблаб 10 йил Воркутага сургунга жўнатадилар. Манбаларда қайд этилишича, Раҳим қамоқхонада немисча-тожикча лугат китобини рецепт бланкаларида ёзиб, эскирган пойтоба (партияни)дан муқова ясад, лугат кўлёзмасини тайёрлайди. Шундай килиб, Сибирдаги қамоқхоналарда жуда катта машаққатларга қарамай, жасоратли йигит “Немисча-тожикча лугат” (10 минг сўздан иборат)ни ва “Немис тилининг фонетикаси” китобларини ёзади. Раҳим Бурхонов 1956 йилда оқланиб Душанбега келгач, бу китобларини чоп эттиришга харакат қиласди, аммо бунга эриша олмайди. У Душанбе давлат университетида немис тили кафедрасини ташкил этиб, унда фаолият кўрсатади. Унинг “Немисча-тожикча лугати” орадан 30 йил ўтгач, шогирди тилшунос Хайрулла Сайфуллаев ва Гумбольдт номидаги Ўрта Осиё университети профессори Луцем Жехак томонидан тўлдирилиб, 55 минг сўзли лугат сифатида Раҳимнинг вафотидан сўнг чоп эттирилади. Унинг қизи Лубат Раҳимовна Бурхонова Тожикистон радиоси ва телевидениясининг диктори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўғли Олим Раҳимович Тожикистон давлат университетида фалсафадан дарс берган ва бугун дипломатия соҳасида ишлаб келмоқда.

2020 йилда Бухорога ташриф буюрган Москва давлат Халқаро муносабатлар(МГИМО)институтининг гилмий ишлар бўйича проректори, профессор Евгений Михайлович Кожакин “Абдулвоҳид Бурхонов – Мунзим ва унинг авлодлари” хақида хужжатли фильм олаётганлигини Бухоро давлат университети жамоасига билдириб, уларни ҳамкорлик қилишга чорлади. У БухДУ тузилмасидаги “Қатағон қурбонлари хотираси музейи” фондларида сақланаётган ноёб материаллардан ва Бухородаги бошқа манбалардан ҳар томонлама фойдаланиб, бу фильмни яратажагини алоҳида таъкидлади. Абдулвоҳид Бурхонов Мунзим шоир, журналист, давлат арбоби сифатида Бухоро, Самарқанд ва Тожикистонда катта фаолият кўрсатган инсонлардан биридир. Бугун Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрининг марказий кўчаларининг бирига Мунзим (Абдулвоҳид Бурхонов) номи берилган. Бу кўчада унинг авлодлари, қавм-қариндошларию неваралари истиқомат қиласди.

Мунзим туғилиб, вояга етган ва серқирра фаолият кўрсатган Бухорои шарифда ҳам унинг номига кўча қўйилган. Афсуски, бугунги кунгача Ўзбекистонда унинг фаолияти ҳар томонлама ва чуқур ўрганилмаган. Бугун тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифа Мунзимнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини чуқур тадқиқ этиб, унинг асарларини топиб нашр эттиришдан иборатдир. Бугун кўпчилик олимлар ва жамоатчилик томонидан кўтарилиган масала – Бухорода жадидлар музейини ташкил этишини тезлаштириб, Мунзим – Абдулвоҳид Бурхонов каби жадидизмнинг фаол иштирокчиларини ҳам шу музей экспонатларидан жой олишини таъминлаш - давр талабидир.

#### Адабиётлар

Айни Садриддин. Бухара: (Воспоминание). В 2-х кн. Книга 2. Душанбе: “Ирфон”, 1981. С. 196-198.

Алиев С. Унугтилмас саҳифалар. Тошкент, 1986. - Б. 88-91.

Мунзим 1877 йилда туғилган деб кўрсатилади. Тадқиқотчи Соҳиб Табаров ўзининг “Мунзим” (Душанбе: “Ирфон”, 1991) китобида 1933 йилда Мунзимга ПА № 006604 ракамли паспорт берилиб, унда туғилган иили 1875 деб ёзилганлиги кўрсатилади.

Иноятов С. Жадид маърифатпарвари ва ислоҳотчи. Бухоронома, 2021 йил 12 май, № 37.

Хамроев А. Миллат истиқоли учун курашган қатағон қурбонларини ёд этиш инсонийлик бурчимиздир. “Бухоронома”, 2020 йил 7 август, № 32.

Табаров С. Мунзим – руководитель общества жадидов и председатель партии младобухарцев. Душанбе: «Деваштич», 2004. Мунзим (Мирзо Абдулвоҳид Бурхонзода). Энциклопедияи Совети Тоҷик. 4-жилд. Душанбе – 1983. Б.549.

Ражабов Қ. Файзулла Ҳўжаев (Тарихий эссе). Т.: “АВУ МАТВУОТ - KONSALT”, 2011. – Б.18; Хайтов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т.: “АВУ МАТВУОТ - KONSALT”, 2008. – Б.54-55.

Мунзим (Мирзо Абдулвоҳид Бурхонзода). Энциклопедияи Совети Тоҷик. 4-жилд. Душанбе – 1983. Б.549.

«Бухоро аҳбори», 11-сон, 1922 йил, 19 ноябрь.

Педагогика: Энциклопедия. Уч жилдлик. II-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2015. Б.360

Ҳўжаев Ф. Берлиндан мактублар. Бухоро аҳбори, 1922 йил, 19 ноябрь

Иноятов С. Файзулла Ҳўжаев: тарих ва тақдир. “Файзулла Ҳўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи” мавзусидаги Республика илмий-назарий (21 декабрь, 2021) конференция материаллари. Бухоро-2021. Б.13-15.

Раупов С. Файзулла Ҳўжаев ва Бухоро шаҳрини ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси// “Файзулла Ҳўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи” мавзусидаги Республика илмий-назарий (21 декабрь, 2021) конференция материаллари. Бухоро. - 2021. Б. 39-43.

Муҳаммаджонова Л.П., Алимова М.М. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. Бухоро: “Дурдана”, 2019.-Б.48; Жамолова Д.М. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири-XX аср бошлари), Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент. - 2019. – Б.19.

Жамолова Д.М. Бухоро амирлигига жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири- XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент. - 2019. – Б.15.

Дилноза Жамолова. Миллат ойдинларидан бири // Халқ сўзи, 8 март 2022 йил.

Темиров Ф.У. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2020. - Б.14.

Мунзим. Мачмуаи осор. Душанбе: “Ирфон”, 1967. -Б.8.

Иноятов С. Бухорои шариф ҳўжалари: Усмонхўжа, Отаулла Ҳўжаев, Файзулла Ҳўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. Бухоро: “Дурдана”, 2022, Б. 90-116.